

## Рухсат сўраш ва саломлашиш



12:30 / 24.12.2018 4206

Маданиятли халқларнинг инсоний алоқа бобида ўзига яраша баъзи одоб ва одатлари борки, улар мазкур одоб ва одатларга ҳар доим амал қиладилар. Ислон инсоннинг бахтли яшаши учун зарур бўлган барча моддий ва руҳий таълимотлар қаторида мусулмонларга ахлоқ-одоб бобида ҳам олий даражадаги камолотга етказувчи тавсияларни баён этган. Ислон жорий қилган одоблардан бири – рухсат сўраш ва саломлашишдир. Бу икки одоб ҳозирги маданиятли халқлар амалга оширишга уринаётган одатлардан бўлиб, Ислон бу нарсаларни бир неча аср аввал баён қилган:

تَنبِعُوا لِمَنْ آمَنُوا الَّذِينَ يَتَأْتِيهَا ﴿١٧﴾ تَذَكَّرُونَ لَعَلَّكُمْ لَكُمْ خَيْرٌ ذَلِكَمُ أَهْلِهَا عَلَىٰ وَتَسَلِمُوا تَسْتَأْذِنُوا حَتَّىٰ يُؤْتِيَكُمْ غَيْرَ بُيُوتًا تَدْخُلُوا لَأَءَامِنُوا الَّذِينَ يَتَأْتِيهَا

مِنْكُمْ زَكَاةً وَمَا وَرَثَتُهُ عَلَيْكُمْ اللَّهُ فَضَّلْ وَلَوْلَا وَالْمُنْكَرَ بِالْفَحْشَاءِ يَأْمُرُ فَإِنَّهُ الشَّيْطَانُ خُطُوبَاتٍ بَلَّغَ وَمِنَ الشَّيْطَانِ خُطُوبَاتٍ

**«Эй иймон келтирганлар! Ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва уларнинг аҳлига салом бермагунингизча, кирманг. Ана шундай қилмоғингиз сиз учун яхшидир, шоядки, эсласангиз. Бас, агар у(уй)ларда ҳеч кимни топмасангиз, то сизга изн берилмагунча, уларга кирманг. Агар сизга: «Қайтинг», дейилса, бас, қайтинг, ўша сиз учун покдир. Аллоҳ нима амал қилаётганингизни ўта билувчидир» (Нур сураси, 27-28-оятлар).**

Ислом рухсат сўраш, салом бериш каби одоб-ахлоққа тегишли масалаларга алоҳида эътибор бериб, шариатимизда жорий қилган. Шу билан бирга, саломга алик олишга қатъий амр этган. Чунки саломга алик олмаслик кишилар ўртасида адоват қўзғайдиган ёмон иллат ҳисобланади. Ислом саломга шунчаки жавоб беришни буюриш билан кифояланиб қолмайди, балки жавобни афзалроқ қилиб бериш лозимлигини таъкидлайди:

﴿حَسِبَ اشْقَىٰ كُلِّ عَلَانٍ كَانَ اللَّهُ اِنَّ رُدُّهَا اَوْ مَنَّا بِاِحْسَنَ فَحَيُّوا بِنَحِيَةِ حَيِّئُمْ وَاِذَا

**«Қачонки сизга бир саломлашиш ила салом берилса, ундан кўра яхшироқ алик олинг ёки худди ўзидек жавоб беринг. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсанинг ҳисобини олувчидир» (Нисо сураси, 86-оят).**

**“Иймон” китобидан**